

Миллатимизнинг бутун истикболи Мустакилликда. Шунинг учун Мустакиллик эътиқодини кундан-кунга теранлаштирмок керак. Лекин юрт мустакиллигига эхтиром, шахс мустакиллигига эхтиром шахс эркига жавобгарликдан ажралмаслиги лозим. Мана шунга эришилса жамият локайдлик, ишончсизлик ва мутелик иллатларидан анча халос бўлади. Одамларда хакикатга ишонч юксалади. В.Г.Белинский, “Шахснинг тақдири, бутун дунёнинг тақдири ва Хитой подшохининг соглигидан хам мухимдир”, деганда жуда адолатли фикрни айтган. Чунки миллат, инсоният ва дунё тақдирини хам факат Шахслар хал килади. Кучли Шахс кўпчиликнинг тушунчалари таъсирида ўзгармайдиган, аксинча, ўз хакикати таъсирида кўпчиликни ўзгартира оладиган толмас курашчи хисобланади. Бу гап, хусусан, буюк ёзувчи ва шоирларга кўпроқ тегишилдир. Биз ижод ахлининг асарлари тўгрисида кўп гапирамизу, аммо уларнинг шахсиятига деярли эътибор килмаймиз. Холбуки, Гётенинг эътирофига кўра, факат шахсияти миллат маданиятидан ўрин топиб, унда бокий колади. Гёте адабиётнинг умуминсоний моҳиятини белгилашда хам ёзувчи шахсиятига суянати. Ва “соф шахсияти” учун Шекспирни ўзининг улуг замондоши Байрондан баланд кўяди.

Демокчимиизки, чин маънодаги ижодий шахсиятлар адабиёт майдонида кад кўтармагунча янгиланиш хам, юксалиш хам кўзга ташланмайди... Истанг, истаманг, анча содда одамлармиз. Соддалигимиз шундаки, ёзувчилик нонини еган, ёзувчилик билан эл-юрт ўртасида танилган хамма ижодкорлар хам адабиёт тақдирига холис карайди, адабиёт ривожи учун сидкидилдан куюнади, деб ўйлаймиз. Аслида бундай эмас. Кейинги эллик, олтмиш йил мобайнида бундай бўлмаган. Якин-уртада хам бундай бўлмайди. Чунки Абдулла Каҳхорга ўхшаб хар кандай вазият ва шароитда хам адабиёт манфаатларни шижаот ва халоллик билан хар нарсадан устун кўйишга кодир ёзувчию шоирларимиз жуда кам. Аклли, эхтиёткор, китобий хакикатларни сув килиб ичган каламкашлар етарли. Аммо виждон изтироби йўқ уларда. Шулар бир-бирининг кўзига караб ёлгон сўзлайди. Ёлгондан бир-бирини мактайди. Вокелик олдидаги ожизликларини яширмок учун гоҳо мушфикалик, хоксорлик тўнига бурканиб олишади. Ижод дарди билинмас, мукофот, унвон, мартаба кайгусида ёниб-куйиб юрганлар эса канчадан-канча. Хакикий истеъдодлар эса бундай риёкорликлардан четда туришни, имкони бўлгуни кадар адабий жараёнга аралашмасликни макбул кўрадилар. Нега шундай?

Жараён сўзи баъзан менга негадир Жар аён деган маънони англатади. Хатто адабий жараён хакида ўйлаганда хам шу сўз ўз-ўзидан иккига ажралади: ЖАР-АЁН. Шунда беихтиёр кин, хасад, адоват ва ёвузликнинг чиркин кўллари или казилган тубсиз жарликлар тасаввурда жонланади. Дарвоке, ўттизинчи йиллар адабий жараён буюк Кодирий, Фитрат, Чўлпон ва Усмон Носирларнинг муборак вужудларини комига тортган бир ЖАР бўлмасдан нима эди? Ундан кейинги давларда хам адабий жараёнда расмий сиёсатга мувофик келмайдиган “калтис” бирор-бир гапни айтиш жарга кулаш хавфи билан теппа-тeng бўлган. Шунинг учун адабий жараён масалалари билан шугулланувчи адабиётшуносу мунаккидлар сиёсатни хохласалар килич, хохласалар калкон килиб кўтарганлар. Энди у кунлар ўтиб кетди. Бирок ўша кўркув асоратлари хали бор. Бир-биридан сиёсий хатолар ахтариб, бир-бирини айблаш замонлари ортда колди. Аммо адабий жараёнда том маънодаги ижодий эркинлик, янгиликка чанкоклик руҳи унча сезилмайди. Янада очигини айтадиган бўлсак, адабий мухит бугун бир кадар ачинарли

ва ночор ахволдадир. Уни калам ахлини ўзаро хамжихат айлаб, янги-янги ижодий юксакликларга рагбатлантирадиган бир майдон, дейиш кийин. Шеърият бухрон ичида. Маънавий-рухий бухрон кофиябозликни жуда кучайтириб юборди. Устод Абдурауф Фитрат таъбири билан айтганда, биз “чин шеър ва санъат очунидан” нихоятда йироклашдик. “Етти-саккиз сўзни билгили бир “вазн”да тизиб, билгили бир сўзни “кофия” кўймок билан шеър орасинда ердан кўккача айирма” борлигини деярли унутдик. Адабий жараённинг дахлсиз ички талаблари, ўзига хос тараккиёт йўллари бор. Буларни инобатга олиш зарур, албатта. Токи хеч бир истеъдод ўзининг эртасига умидсиз карамасин. Хар кандай иктиносидий кийин шароитда хам у ўзини адабий хаёт багрида хис этсин. Шу халқ, шу ватан ва шу жонажон ажабиёт учун фойда етказишга имони комил бўлсин. Айрим шоири ёзувчилар адабий жараёнга аралашиш бир ёнда турсин, якинлашишни хам истамайдиган бўлишган. Агар жараёнда тил ва дил, маслак ва эътиқод бирлиги устиворлик килмас экан, бир-биридан бегоналиқ, парокандалик, хилватнишинлик хислари кундан-кунга кенг кулоч ёзаверади. Бундан адабиёт канча ютизса, миллат хам шунча зарап кўради.

Уилям Фолкнер “Иккинчи разрядли ижодкорни машинага хам, таргиботчига хам айлантиrsa бўлади, бирок биринчи разрядли санъаткорни бошкаришга хеч ким кодир эмас, хатто унинг ўзи хам”, дейди. Чунки “биринчи разрядли” санъаткор зиммасидаги масъулиятни шу кадар чукур ва мукаммал биладики, калбини ГЎЗАЛЛИК ва ХАКИКАТ илохасидан бошка хеч нарса ўзига ром эта олмайди. Унинг учун адабиётга хиёнат – миллатга хиёнат билан теппа-тeng тушунча...

Адабий жараён – эркин фикр алмашиш ва бевосита адабиёт,истеъдод кисматига тегишли энг долзарб муаммолар устида фойдали баҳс-мунозаралар ўтказишни талаб килади. Бу эса унда хукмрон бўла бошлаган гоявий-бадиий тамойилларини аник белгилаб, адабиётнинг бугуни ва эртасига очик назар или караб, маълум каноат хосил айлашга имкон беради. Адабиётимиз бугун шундай бир холатдаки, уни озод мамлакатнинг мутлако озод адабиёти макомига кўтариш учун барча истеъдод сохиблари бир ёқадан бош чиқарилари, неча ўн йиллар мобайнида давом топиб келган дастёрчилик ва ташвикотбозлик хизматидан бутунлай халос этишлари лозим.

Албатта, бозор муносабатлари олим ва ёзувчиларнинг иктиносидий турмуш даражасини бир оз пасайтириб юборди. Кимларнингдир илхом чироклари сўнди. Кимлардир илм ва ижодни, умуман, тарк этишди. Аммо ижод дарди, ёзиш шавки билан яшаётганлар бор ва етарли. На китоб чиқарishнинг кийинлиги, на ора-сира кўлга тегадиган калам хаки билан хеч мурод хосил бўлмаслиги, на моддий танқислик хуружлари уларни йўлдан чалгита олгани йўк.

Айтишларича, Исо алайхиссалом хеч качон кулмаган экан. “Инжил”да хам Исонинг кулганлигини тасдиковчи бирор-бир эслатма учрамайди. Кулгининг сабаблари бўлгани сингари, кулмасликнинг хам сабаблари бор. Одатда кулги кўпроқ инкор килишдан, яъни нафрат, газаб, шубха ва гоҳо кўркув туйгусидан тугилади. Баъзи одамлар кулгига кодир бўлмаганликлари учун эмас, кўнглида инкор хиссиёти йўклиги учун кулмайдилар. Зоро, энг олий илохий Марказда кулги хам, йиги хам йўк. Чунки ул жойда “ха” ва “йўк” деган карама-каршилик хам йўқдир. Бугун адабиётда нафрат, газаб, зиддиятлардан фориг тафаккур тамойили шакланаётир. Касрат ақидалар ваҳдат хакикатларига йўл бўшатмокда. Рух ва калб холатларини тасвирилаш бора-бора адабиётнинг севимли машгулотига айланажак. Демак, адабий жараённи ўз холига ташлаб кўймаслик керак. Зоро, у янги адабиёт “корхона”сидир.

Иброхим Хаккул